

جدید

2026-yil 3-iyul
№ 27 (131)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz



МУНОСАБАТ

Бугун юртимизда ёшларнинг ўз иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун мисли кўрилмаган кенг имкониятлар эшиги очилди.

Қайси соҳани олмайлик, унда “Олтин авлод”нинг овози, нафаси ва янгича тафаккури сезилиб турибди. Олий таълимга қамровнинг бир неча баробарга ошиши, замонавий Президент мактаблари, ижод ва ихтисослашган мактаблар тизимининг яратилиши ёшларнинг интеллектуал пойдеворини тубдан янгиледи. Рақамли иқтисодиёт, стартаплар ва сунъий интеллект соҳалари ёшларнинг энг севимли майдонига айланди. IT-парклар орқали минглаб йигит-қизлар уйда ўтириб дунё бозорига чиқмоқда, юқори даромадли иш ўринларига эга бўлмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар билан куни кеча ўтказган очик, самимий ва қизгин мулоқотда ҳар бир тақлифни тинглаб, ёшларнинг ташаббусларини зудлик билан қўллаб-қувватлаш бўйича янги имкониятлар, молиявий рағбатлар ва лойиҳаларни эълон қилди. Бу ишонч ёшлар учун нафақат шараф, балки улар зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди. Янги Ўзбекистоннинг Учинчи Ренессанс пойдеворини қуриш вазифаси айнан мана шу шижоатли ва замонавий билимларни эгаллаган авлоднинг ҳам елкасидадир.

22 миллиондан зиёд ёшлар жуда катта иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий кучдир. Бугунги Ўзбекистон аҳолисининг қарийб учдан икки қисмини ташкил этувчи қатлам мамлакатнинг асосий ҳаракатлантувчи кучи, унинг келажақдаги тараққиётининг асоси ҳисобланади. Шу сабабли, барча даражадаги раҳбарларнинг асосий вазифаси — ҳар бир йигит-қизни тил ва



ЯНГИ ДАВР ДАРВОЗАСИ

касб-хунарга ўргатиш, спортга жалб этиш, уларнинг ғоя, лойиҳа ҳамда стартапларини қўллаб-қувватлаш, ишли ва даромадли қилиш орқали кўмаклашишдир.

Очиқ мулоқотнинг концептуал ғояси шундан иборатки, ёшлар — мамлакатнинг энг катта иқтисодий, ижтимоий ва интеллектуал капиталидир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: “**Энди давлатлар ҳудуди билан эмас, билими билан, аҳоли сони билан эмас, технологияси билан, табиий бойликлари билан эмас, инсон капитали билан**

рақобатга киришмоқда”. Шу маънода, жаҳон бозори ва илм-фани билан интеграциялашиш учун хорижий тилларни интенсив ўрганаётган йигит-қизлар сони 3,5 миллион нафарга етди. Иқтидорли ўқувчи ва талабаларимиз нуфузли фан олимпиадаларида 434 та, ёш спортчиларимиз эса халқаро мусобақаларда 2 минг 245 та медални қўлга киритиб, Ватанимиз байроғини баланд кўтардилар.

Президентимиз учрашувда ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин топиши ва жамиятда ўз кучига ишонган ҳолда қадам босиши учун билим, касб ва

замонавий технологияни энг муҳим уч устун сифатида кўрсатди. Ушбу мақсадни ҳаётга татбиқ этиш учун мамлакатимизда мутлақо янги тизим — “Келажак билимлари экотизими” йўлга қўйилмоқда. Мазкур дастур доирасида ҳар йили 500 минг нафар ўғил-қиз замонавий, юқори даромад келтирадиган касбларга ўқитилади. Бунда давлат ўқув марказларини ташкил этиш истагида бўлган ёш ташаббускорларга мислсиз имтиёزلарни тақдим этади.

(Давоми 2-саҳифада.) ➔



АВВАЛ ИҚТИСОД

ИСЛОМ МОЛИЯСИ:

ЗАРУРАТМИ Ё ИМКОНИЯТ?

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, академик Нурислом ТЎХЛИЕВ билан суҳбат



— Домла, яқинда Ўзбекистонда ислом банклари фаолияти тўғрисида қонун қабул қилинди. Сиз иқтисодчи олим сифатида бу воқеани қандай баҳолайсиз?

— Бу, шубҳасиз, мамлакат молия тизимидаги муҳим воқеалардан бири. Мен бу қонунни фақат диний ёки ахлоқий нуқтаи назардан эмас, соф иқтисодий мантиқ жиҳатидан ҳам долзарб, деб биламан. Қонунга мувофиқ, исломий молия хизматлари икки турда — тўлиқ ислом молияси тамойиллари асосида фаолият юритувчи банклар ва тижорат банкларидаги “ислом” дарчалари орқали кўрсатилади. Музораба, вакала, муробаҳа, салам, мушорака ва исломий ижара бўйича олти турдаги хизматлар кўрсатилиши мумкин. Албатта, бу жараёнда, оддий банкинг хизмати билан чегараланмасдан, тақофул ва сукук бозорига кириб боришни назарда тутиш лозим.

(Давоми 3-саҳифада.) ➔



БУГУННИНГ ШЕЪРИ

Нозима ҲАБИБУЛЛАЕВА

Бурғу

Ватан шаъни учун курашсанг, тўрам,
Кафтимни қўяман босар изингга.
Сидирға дўппилар тиккандан кўра,
Камон тутқазаман эрка қизингга.
Ўзим тозалайман совутларингни,
Ўзим суғораман тулпорингни ҳам.
Кипригимда тараб мовутларингни,
Жоним-ла тикаман туморингни ҳам.
Сандиққа йиққанча хаёлларимни,
Найза ўстираман гулдонларимда.
Пайтава қиламан рўмолларимни,
Чилла бағишлайман

чилтонларингга.

Ватан шаъни учун курашсанг, тўрам,
Ханжаринг дамида ўйнасин барор.
Элнинг кўкайига битилган журъат —
Темир билагингда қайнаган қарор.
Совуқ қурулларнинг куқунларини
Қон ювган кечанинг садоларимиз.
Гул униб руҳининг куқуларидан
Қабрида тинч ётсин боболаримиз.

Ватан шаъни учун курашгил, тўрам!



ТАРИХДАН САДО



Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида 1926 йилда бўлиб ўтган Туркиёт қурултойининг 100 йиллиги нишонланмоқда. Шу муносабат билан халқаро конгресс қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев табрик йўллади. Бундай тубли эътиборнинг ўз сабаблари бор, албатта. Зеро, туркий оламнинг барча соҳада ўзаро муштарак фаолият олиб бориши зарурати юз йил аввалги айтилган анжуман доирасида чуқур муҳокама қилинган эди.

(Давоми 7-саҳифада.) ➔



ЗЪТИРОФ

ЖАДИДЛАРДАН МЕРОС ҚАЛАМ

“Jadid” газетаси таҳририяти “Олтин қалам” XX Миллий мукофоти халқаро танловида “Энг яхши журналистик материал учун (босма нашрлар)” йўналишида 1-ўринга лойиқ кўрилди. Мукофот “Ўзбекистон” Халқаро анжуманлар саройида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилган маросимда барча ғолиб ва совриндорлар қатори тантанали топширилди.

(Давоми 4-саҳифада.) ➔



САНЪАТ ОЛАМИ

ЭЗГУЛИК ЧЕЧАКЛАРИ

“Дийдор” театр-студияси раҳбари,
“Дўстлик” ордени соҳиби
Бобур ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбат

— “Биз, актёрлар — дорбозлармиз. Кинода арқон ерга чизилган бўлади, шу боис, хато қилишдан қўрқмайсиз. Аммо театрда бу арқон бир неча ўн метр баландликда тортилади. Хавфсизлик кафолати ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Саҳнада ёлғиз қоласиз”, деган эди машҳур киноюлдузи Ал Пачино. Санъатнинг ҳар икки турида ҳам кўп йиллардан буён тенг ижод қиласиз. Ўртадаги тафовут нималарда кўринади?

(Давоми 5-саҳифада.) ➔



ЯНГИ ДАВР ДАРВОЗАСИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Масалан, ер майдонлари ва бўш турган давлат объектлари имтиёзли шартларда ажратилади, марказлар учун зарур бўлган барча инфратузилма давлат ҳисобидан яратилади, замонавий ўқув марказларини қуриш ва жиҳозлаш учун банклардан олинadиган кредит ставкаларининг бир қисми давлат томонидан компенсация қилиб берилади.

Қўлида касби бор, лекин дунё бозоридаги ўзгаришлар фонида янги кўникмаларни, хусусан, IT, рақамли технологиялар ёки яшил энергетика соҳаларини эгалламоқчи бўлган ёшлар учун янги инқилобий қадам сифатида “касб ваучери” тизими жорий этилмоқда. Ҳар йили 50 минг нафар ёшнинг замонавий касбларни мустақил ва сифатли ўрганиши учун харажатлар давлат томонидан фоизсиз ссуда ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади. Оғир аҳволдаги, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзанди бўлган ва ҳозирда ишсиз турган 85 минг нафар йигит-қизга хусусий ўқув марказларида исталган касбни эгаллаши учун бепул ваучерлар тақдим этилади. Шу йилнинг ўзида ушбу янги тизимнинг самарали фаолиятини бошлаш учун давлат бюджетидан мақсадли равишда

120 миллиард сўм ажратилди.

Яратилаётган имкониятлар, шароитлар Ўзбекистон ёшлар сиёсатида янги давр бошланганини кўрсатади. Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар ёшларнинг нафақат жисмоний, балки маънавий ва интеллектуал соғломлигини таъминлашга қаратилган. “Келажақ билимлари экотизими” ва “касб ваучерлари” тизимининг жорий этилиши – юртимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратадиган, билимлар иқтисодиётини бошқара оладиган янги инсон капиталли тарбиялаш йўлидаги улуғвор қадамдир. Зеро, ўз билимига, замонавий касбига ва Ватанига содиқ бўлган ёшлик – кучли, енгилмас ва фаровон давлатнинг энг олий кафолатидир.

Шу маънода, ёшларнинг салоҳиятидан мамлакат шеържои ва халқаро обрўсини ошириш йўлида фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, хорижий тилларни мукамал биладиган 650 мингдан зиёд ёшлар салоҳиятидан мамлакатнинг бой тарихи, маданий мероси, туризм ва экспорт имкониятларини халқаро майдонда тарғиб қилишда фойдаланиш учун ишга туширилиб, ҳар йили 20 миллиард сўмдан ажратилади. Етакчи хо-

рижий олийгоҳларда ўқийётган 14 мингдан ортиқ йигит-қизнинг таътил даврида юртимиздаги вазирлик, ҳокимлик, давлат ва хусусий компанияларда амалиёт ва стажировка ўташи учун рақамли мулоқот платформаси ишга туширилади. “Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали ёшларни хусусий сектор буюртмаси асосида ҳам нуфузли хорижий олийгоҳларда ўқитиш имконияти яратилади. Давлат бошқарувида ёшларга ишончни кучайтириш мақсадида 5 та йўналишда “ТОП-100” дастури амалга оширилиб, ғолиблар раҳбарлик лавозимларига тавсия этилади. Ҳар йили 2 минг нафар иқтидорли ёшни халқаро ташкилотларга амалиётга юбориш режаси ишлаб чиқилади. Айни пайтда ёшларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб этиш учун янги рағбатлар жорий этилаётгани ҳам эътиборга молик. Олайлик, олийгоҳ битирувчисини ишга олган тадбиркорлар учун ёш мутахассисга нисбатан даромад ва ижтимоий солиқ бир йил давомида 1 фоиз этиб белгиланади.

Бу 200 мингга яқин битирувчинини ишга жойлаштириш учун муҳим омил бўлади. “Кафолатланган биринчи қадам” пакети эса ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, ҳарбий хизмат, миграция ва жазони

ўтаб қайтган, жисмоний имконияти чекланган ёшларни қўллаб-қувватлаш учун жорий этилади. “Устоз – талаба” дастури асосида уюшмаган ёшларга қўмақлашган талабалар ҳам рағбатлантирилади. Маҳаллий брендлар франшизасини оладиган йигит-қизларга Ёшлар тадбиркорлиги жамғармасидан 300 миллион сўмгача фоизсиз ссуда ажратилади. Мазкур дастурлар учун 500 миллиард сўм йўналтирилади. Ёшлар хаблари эса касб ва тил ўрганиш, ишга жойлашиш, тадбиркорлик бўйича хизматлардан “ягона дарча”-тамойили асосида фойдаланиш имконини беради.

Ўзбекистон иқтисодиёт ҳажмини 2030 йилгача 240 миллиард доллардан оширишни режалаштирган. Мақсадга эришишда инновацион стартаплар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳар бир вазир, тармоқ раҳбари ва ҳоким “1 мингта масалага – ёшлардан 1 мингта ечим” лойиҳани ишга туширади. Ёшлар ишлари агентлиги бизнес, АТ ва креатив иқтисодиёт йўналишидаги 100 та энг яхши лойиҳага 1 миллиард сўмгача инвестиция киритади. “Рақамли ҳукумат” марказида биринчи суперкомпьютер кластери ишга туширилди, келгуси йил унинг қуввати 3 карра оширилади. Жорий йилда 20 та олийгоҳда сунъий интеллект



лабораториялари ташкил этилса, бундан ёшлар бепул фойдаланиб, муаммоларга ечимлар ишлаб чиқади.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилаётган кенг қўламли дастурлар ва имкониятлар Янги Ўзбекистон ёшларини XXI асрнинг ҳақиқий драйверларига, глобал рақобатда ўз ўрнига эга бўлган буюк бунёдкорларга айлантириши шубҳасиздир. Асосий масала – мазкур имкониятдан фойдалана билишда. Бу йўлда ёшлар хорижий тилларни мукамал эгаллаши жаҳон ахборот ва таълим майдонига чиқишининг ягона йўлидир.

Буюк жадид бобомиз Абдулла Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида таъкидлагандек, “Илмсиз киши мевасиз дарахт каби бидур”. Навниҳоллар шигил самара бериши учун сунъий интеллект ва рақамли иқтисодиёт манбаларидан тўлақонли озиқланиши шарт. Очиқ

мулоқот Янги Ўзбекистон ёшлари учун янги давр дарвозасини очди. Бугун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш, доимий изланиш ва инновацияларга интилиш ҳар бир йигит-қизнинг бош мақсадига айланиши лозим. Зеро, интеллектуал салоҳияти юқори ёшлар бор юртда тараққиёт ҳеч қачон тўхтамайди. Бироқ имкониятнинг мавжудлиги ўз-ўзидан натижа бермайди. Ундан фойдаланиш учун интилиш, ташаббус ва меҳнат талаб этилади. Бу эса ёшлар, талабалар олдида шахсий масъулият масаласини кўяди. Бугун орзулари ушалаётган, билими ва касби билан дунёни забт этаётган ўзбек ёшлари Ватан суянчи ва ифтихоридир. Орқасида доим қўллаб-қувватлайдиган суянч тоғи бор ёш авлод ҳеч қачон тўхтамайди ва энг юксак марраларни забт этишда давом этади.

Иқбол МИРЗО

МУЖДА

ЁШЛАР ТЕАТРИ шуборак!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 30 июнида Ёшлар кунини муносабати билан пойтахтимиздаги Олимпия шаҳарчасида ўтказилган тантанали маросимда иштирок этди. Мазкур тадбирда ёш ижодкорлар оиласи сифатида қатнашиш шарафига муяссар бўлганимиздан беҳад мамнунмиз. Сабаби, бу тадбирда ўзбек адабиётининг янги авлод вакиллари сифатида мамлакатимизда кечаётган ижодий юксалиш жараёнлари, ёшларга яратилаётган кенг имкониятлар учун муҳтарам Президентимизга бевосита ташаккур айтиш имконига эга бўлдик.



жамоатчиликка танитиш, ҳужжатли кўрсатувлар, китоблар ва мақолалар орқали бу бебаҳо маънавий меросни ёш авлодга етказиш йўлидаги сазй-ҳаракатларимизни изчил давом эттириш ниятидамиз.

Бугунги глобаллашув ва мафжуравий курашлар даврида ёшларни миллий руҳда тарбиялаш ҳамда уларнинг қалбига ватанпарварлик ғояларини сингдиришда шеърятнинг ўрни бекиёс. Мулоқот давомида ана шу олий мақсадларга хизмат қилаётган, Республика маънавият ва маърифат маркази томонидан амалга оширилаётган “Суз” лойиҳасида мунтазам иштирок этиб келаётганимизни алоҳида таъкидлаб ўтдик. Зеро, мазкур лойиҳа миллий адабиётимиз дурдоналарини халқимизга етказиш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни китобхонликка ундашда ҳақиқий маёқ вазифасини ўтамоқда.

Ёшлар ишлари агентлигининг “Mutolaa” лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган театрлаштирилган назм кечаларида ҳам фаол иштирок этаётганимиз, хусусан, Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 690 йиллигига бағишлаб, “Ишқ адолатдур!” номли шеър-адабий кечани ташкил этганимиздан кўпчилик хабардор. Учрашув давомида кейинги йилларда кенг оммалашаётган шу каби ижодий лойиҳалар, театрлаштирилган шеъринг концертлар орқали миллий адабиёт, musiқа, қадриятлар ва анъаналаримизни ёшлар орасида тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юрит-

дик. Бугунги кунда мазкур лойиҳалар адабиёт ихлосмандлари, кенг жамоатчилиқни билрлаштираётгани, ахборот оқими шиддатли бўлган даврда шеърятни саҳнавий ифода орқали қалбларга янада таъсирчан етказиш имконини бераётганини алоҳида таъкидладик.

Сўзимиз якунида ана шу адабий концертлардан бир парча сифатида, юрт ҳимояси йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган мард ўғлонларимизнинг ўчмас хотирасига бағишланган “Ватан шаъни учун курашгил, тўрам” ҳамда “Бу элнинг ҳар ўғли, қизи қаҳрамон” номли шеърларни ижро этдик. Муҳтарам Президентимизнинг шеърятга бўлган юксак эътиборлари ва бизга билдирган самимий муносабатлари кўнглимизни тоғдек кўтариб, янги ижодий изланишларга ундади.

Айни шу лаҳзада учрашувнинг энг унутилмас ва тарихий саҳифасига айланган воқеа содир бўлди. Давлатимиз раҳбари буюк адиб Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги машҳур иборани эслаб, “Бу даргоҳдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаслиги керак”, деб лутф қилди. Ёш ижодкорларнинг кейинги йилларда адабиёт ва санъат каби бир қатор соҳаларда эришаётган утуқлари, жумладан, шеърятни кенг оммага замонавий ва таъсирчан шаклларда етказишга қаратилган ижодий лойиҳаларини юксак баҳолаб, мамлакатимизда Ёшлар театрини ташкил этиш юзасидан тарихий топшириқ берди. Шу билан бирга, мазкур театр фаолиятига раҳбарлик қилиш масъулияти зиммамизга юкланишини маълум қилди.

Президентимиз топшириғига мувофиқ, ташкил этиладиган театрининг концепцияси, ижодий йўналишлари, репертуари ва дастурини ишлаб чиқиш вазифаси тегишли давлат ташкилотларига юклатилди. Ушбу театрининг асосий мақсади шеърят, бадий сўз ва театр санъатини ўзаро уйғунлаштирган ҳолда, миллий адабиётимизнинг энг сара мунаваларини саҳнага олиб чиқиш, ёш истеъодларни кашф этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, маънавий-маърифий тарғиботнинг замонавий ва таъсирчан шаклларини янада ривожлантиришдан иборат бўлади.

Биз бу ишончини Ватан ва халқ олдидаги юксак масъулият сифатида қабул қиламиз ҳамда муҳтарам Президентимиз белгилаб берган вазифаларни муносиб адо этиш, мамлакатимизда шеърят ва театр санъатининг янги босқичини шакллантириш йўлида бор куч ва салоҳиятимизни сафарбар этамиз.

Шаҳриёр ШАВКАТ,
“Келажақ бунёдкори”
медали соҳиби

Нозима ҲАБИБУЛЛАЕВА,
Зулфия номидаги давлат мукофоти
совриндори

ТАДҚИҚ

ДИҚҚАТ! ПАРВОЗДА “ЛОЧИН”!

Президент Шавкат Мирзиёев 30 июнь кунини Олимпия шаҳарчасида Ёшлар кунини муносабати билан ташкил этилган махсус кўргазмада мамлакатимизнинг фаол ва изланувчан ёшлари билан учрашди. Давлатимиз раҳбари уларнинг қатор соҳалардаги лойиҳалари билан танишиш, ташаббускорлар билан шахсан мулоқот қилди.

Бундан аввалроқ, йил бошида Давлатимиз раҳбари коинотга сунъий йўлдош учуриш ҳамда биринчи ўзбек фазогирини тайёрлаш бўйича дастлабки ишлар тақдироти билан танишган эди. Тақдиротда 2028 йилда “Мирзо Улуғбек” номли 6U форматдаги илмий сунъий йўлдошни учуриш таклиф қилинган, мутахассисларни тайёрлаш ва муҳандислик жамоасини шакллантириш ҳам назарда тутилган.

Бу эътибордан илҳомланган иқтидорли ёшлар ҳам самарали тажрибаларга қўл урляпти. Жорий йил 29 июнь кунини Ўзбекистон тарихида биринчи марта олий ўқув юрти талабалари томонидан яратилган стратосфера зонди – “Лочин-1” Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ ҳудудидан учурилди ҳамда 41,3 километр баландликка кўтарилди. Мақсад: стратосферанинг ноёб атмосфера шароитларини ўрганиш, Ўзбекистон ҳудудини коинот фонида ўта юқори аниқликда тасвирга олиш ҳамда талабаларнинг илмий-тадқиқот ва муҳандислик кўникмаларини ривожлантириш. Мутахассислар фикрига кўра, парвоз амалиёти режага асосан тўла муваффақиятга эришилди.

Бу лойиҳа Бухоро инновациялар университетининг изланувчан тадқиқотчилари томонидан амалга оширилди. Унга мазкур олий ўқув юрти ўқитувчиси, ёш олим Умиджон Рустамов раҳбарлик қилди.

– “Лочин-1” лойиҳасини ректоримиз, педагогика фанлари доктори, профессор Дилноз Рўзиевага тақдимот қилганимизда бизга ишонч билдириб, тўлиқ



молиялаштиришни зиммасига олди. Биз ҳам дўстларимиз билан муваффақиятли парвоз учун ҳаракат қилдик. Ниҳоят, зондимиз Озон қатламнинг асосий қисмидан юқорига чиқа олди, – дейди жамоа аъзоси Олимжон Исомжонов ҳаяжон билан. – Энг қийини зонд кўнғач бошланди. Қурилма старт нуқтасидан 144 қақирим узокликка, чўлга тушди. Йўлсиз биебонда қидирув тизимлари орқали йиғирма соатдан кўпроқ вақт сарфлаб, тадқиқот ускунамизни топдик. Мухими: зондга шикаст етмаган – камералар, сенсорлар, ёзиб олинган барча маълумотлар сақланган. Натижа олдида барча машаққатлар унутилиб кетди. Энди кейинги қадамни қўйсак бўлади. Навбат олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва “Лочин-2” миссиясини бошлаш.

Бухоролик ёшларнинг ҳаракатида илм-фанга кириб келаётган Янги Ўзбекистоннинг олтин авлодига хос қатъий интилиш, жадид боболаримиз оруз қилган даражага эришиш ва илму тафаккур мужассам.

Бу каби лойиҳалар бардавом бўлишига ва мамлакатимизда кулоқ ёйиб, самони кўзлаган талабаларимизга қанот бўлишига тилақдошмиз.

Жамолиддин БАДАЛОВ



